

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВА ФАРИДА АБДУРАХИМОВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ШАХСГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Назарова Фарида Абдурахимовна

Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини
такомиллаштириш..... 19

Назарова Фарида Абдурахимовна

Совершенствование личностно-ориентированных образовательных
технологий в академических лицеях..... 36

Nazarova Farida Abdurakhimovna

Improvement of student-centered educational technologies in academic
lyceums 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВА ФАРИДА АБДУРАХИМОВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ШАХСГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



ТОШКЕНТ – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020/2.Phd/Ped1644** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси - www.tdpu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида - www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаева Барно Сайфуддиновна педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна педагогика фанлари доктори, профессор Исакулова Нилуфар Жаникуловна педагогика фанлари доктори, профессор
Ётақчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» сентябр соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11 / факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент Давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (1450 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс : (99871) 276-80-86)

Диссертация автореферати 2021 йил « 7 » сентябр кунин тарқатилди.

(2021 йил « 7 » сентябр даги 15 - рақамли реестр баённомаси)

М.Т.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д. доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган креатив таълим технологиялари ўқув жараёнига татбиқ этилган. Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро таълим форумида 2030 йилгача қабул қилинган дастури «Incheon declaration»¹да «таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш» деб эътироф этилган. Шунингдек, фан ютуқларини ўқув жараёнига синдириб бориш, йирик лойиҳаларни таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини диверсификация қилиш, таълим-тарбия жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий таркибий қисмларини аниқлаш, тизимлилиқ ва технологик, тарбиявий тизим призмаси орқали таълим самарасини таҳлил қилишнинг замонавий таълим жараёни самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, шахсга йўналтирилган тарбия технологияларини таълим тизимида такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда ўзаро детерминациясини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамызда академик лицей ўқувчиларини мустақил фикрлаш, фуқаролик позицияси эга бўлиш, ижтимоий воқеликка онгли муносабати, ҳуқуқий тафаккур ва тасавури ривожланган шахс сифатида камол топтиришнинг ҳуқуқий – меъёрий асослари яратилди. Бунда “академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, уларни “устоз-шоғирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш”² устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Натижада академик лицейларда таълим фаолиятини ташкил этиш, бошқариш тизимининг самарадорлиги, қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини ошириш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон

¹ Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea). – 48 p.

² Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4910-сон Қарори 2020 йил 3 декабрь.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 29 мартдаги 163-сон “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги, 2021 йил 3 июндаги 345-сон “Академик лицейлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривож-ланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ўқувчи ёшларда маънавий-маданиятни шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари Ж.Базарбаев, А.Бегматов, М.Каххарова, А.Маврулов, Ж.Туленов, Г.Туленова, Э.Юсупов, О.Ғайбуллаевлар; шахсга йўналтирилган таълим технологиялари Б.С.Абдуллаева, Н.Н.Азизходжаева, Н.С.Сайидахмедов, Н.Н.Индиаминов, Р.Ишмухамедов, Р.А.Мавлоновалар тадқиқот ишларини олиб боришган.

МДХ мамлакатларида технологик ёндашув, педагогик технология тушунчаси Н.Е.Эрганова, Н.В.Матяш, М.Н.Гуслова, Ю.В.Атемаскина, Л.Г.Богословец, Д.А.Белухин, А.А.Факторович, Д.В.Чернилевскийлар; шахсга йўналтирилган таълим технологиялари В.В.Давыдов, А.А.Плигин, И.М.Максименко, И.С.Якиманскаяларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Хорижий мамлакат олимлари W.Dalton, Bech Ivan, Bezugla Marina, Nash Robert J., Roof, Wade Clark, V.Lappo, V.Dal, V.Frankларнинг илмий ишларида шахсга йўналтирилган таълим муаммоси ёритиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122 рақамли “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.), “ОТ-Ф1-36. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) номли лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг интеграциясини дифференциал ёндашувлар орқали такомиллаштириш;

академик лицейларда ўқитиш технологиясининг қиёсий таснифини такомиллаштириш;

академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари тизимли моделини такомиллаштириш;

шахсга йўналтирилган таълим технологияларини ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш босқичларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах давлат педагогика институти қошидаги “Сайилжой”, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейларнинг 707 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, академик лицейлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш; назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат), педагогик эксперимент; диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), ва натижаларни математик, статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар иборат:

академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг тадқиқот, коммуникатив, имитацион, психологик, фаолиятли, рефлексив турлари педагогик билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг лойиҳавий-технологик, мазмуний-методик, критериал-диагностик ва процессуал компонентлари дифференциал ёндашув орқали такомиллаштирилган;

академик лицейларда ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш жараёни амалий ижтимоийлашган, ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга қодир маданий ижод жараёнини тарбия тизими мафқураси, стратегияси ва тактикасини белгилловчи концептуал ёндашувларга уйғунлигини таъминлаш асосида ривожлантирилган;

академик лицейларда шахсга йўналтирилган тизимли модел таълим технологиялари ҳамкорликда ўқитиш, гуруҳда мунозара, ўқув лойиҳалари, тренинг, дебат, ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар каби инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштирилган;

шахсга йўналтирилган таълим технологиялари инсоннинг миллий маданий анъаналарни ўзлаштириш ва оламга бўлган муносабатни моделлаштириш интеграцияси дифференциал ёндашувлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиқилган;

“Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанлари дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари тизимли модели такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, методологик, методик, педагогик ва психологик ёндашувлар ҳамда академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари такомиллаштиришга доир тажрибалар, республикамиз ва хорижий олимлар, шунингдек, касбий педагогик фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шахсга йўналтирилган таълим технологиялари жараёни, шахсга йўналтирилган таълим технологияларини академик лицей тарбия тизими доирасида моделлаштиришнинг зарур шартлари, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари тизимли модели шахсга йўналтирилган ёндашув ва субъект-субъект муносабатлари асосида назарий талқин қилиб ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг босқичлари, компонентлари, академик лицей тарбия тизимига доир таклифлардан академик лицейнинг “Аниқ фанлар”, “Хорижий тиллар” ва “Ижтимоий-гуманитар фанлар” таълим йўналиши ўқув адабиётлари мажмуасини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар:

дифференциал ёндашув орқали такомиллаштирилган академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг тадқиқот, коммуникатив, имитацион, психологик, фаолиятли, рефлексив турлари интеграциясига оид таклиф ва хулосалардан ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 июлдаги 02-07-1799/04-сон маълумотномаси). Натижада, академик лицейларда таълим технологияларини такомиллаштиришнинг ўқув-услубий таъминоти яратилган;

ўқитиш технологиясининг қиёсий таснифи “Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Жаҳон тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” фанлари дидактик таъминоти анъанавий ва шахсга йўналтирилган таълим

технологиялари бўйича аниқлаштирилган қиёсий кўрсаткичларига оид таклиф ва хулосалардан 2015-2017 йилларда бажарилган КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 июлдаги 02-07-1799/04-сон маълумотномаси). Натижада, Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Жаҳон тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” фанлари дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

инновацион таълим технологиялари (ҳамкорликда ўқитиш, гуруҳда мунозара, ўқув лойиҳалари, тренинг, дебат, ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар) асосида такомиллаштирилган академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари тизимли моделига оид таклиф ва хулосалар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 июлдаги 02-07-1799/04 сон маълумотномаси). Натижада, академик лицейнинг Аниқ фанлар, Хорижий тиллар ва Ижтимоий-гуманитар фанлар таълим йўналиши ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш методикаси такомиллаштирилган;

асосланган ўқув (таҳлил этиш, таққослаш) лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари аналитик, ташкилий, фаолиятга доир, натижавийлик босқичларига оид таклиф ва хулосалардан 2015-2017 йилларда бажарилган КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 июлдаги 02-07-1799/04-сон маълумотномаси). Натижада, академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг босқичлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 боб, асосий матн 127 саҳифа, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан-технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини толган.

Диссертациянинг «**Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштиришнинг назарий асослари, академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг педагогик муаммо сифатида ўқувчи шахсга таъсир этувчи омиллари ўрганилган.

Жамоавий тарбия воситалари билан бир қаторда индивидуал (якка тартибда) тарбиялаш воситалари ҳам катта аҳамиятга эга. Тарбияда индивидуал ёндашув ҳар бир боланинг эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олиш имконини беради. Бунда индивидуал тарбия ўз объектини субъект сифатида ҳам ифодалашга алоҳида урғу беради.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг тарбиявий ҳамда ақлий имкониятларини аниқлаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог ва психолог олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилгани аниқланди.

Н.А.Азизходжаева ўз тадқиқотларида шахс ривожланишининг умумий қонуниятларига тўхталиб ўтар экан, шахс – муайян ижтимоий гуруҳнинг вакили бўлган бирор фаолият тури билан шуғулланадиган, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўла оладиган, ўзига хос индивидуал-психологик хислатларга эга бўлган инсон сифатларини таҳлил қилиб ўтган.

Р.Мавлонованинг тадқиқот ишларида шахс тарбияси ижтимоий мулоқот ва тарбия таъсирида интенсив ривожланиши, тарбиячилар ўз вақти ва ўрнида режали равишда унинг билиш фаолиятига таъсир этиб боришининг муваффақиятли кечишини таъминлаши айтиб ўтилган. Академик Э.Юсупов таълим тарбия ишларини амалга оширишда шахснинг ахлоқий фазилатлари, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим ўрин тутади деб таъкидлаган.

С.Д.Поляковнинг тадқиқотларида тарбия аниқ намоён бўлувчи тушунча сифатида инсоннинг мотивацион-қадриятли соҳаси ривожига мақсадли таъсир қилади деб эътироф этилган.

Таълим-тарбия тизими феномени педагогика назарияси ва амалиётида етарли даражада шаклланган. Тарбиявий технологиялар ҳам педагогикада таълим жараёнини ривожлантиришнинг самарали воситаси деб тан олинган.

Уни академик лицейнинг таълим-тарбия тизимига тарбиявий технологияларни киритиш заруряти ҳозирги кунда долзарб.

Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари тадқиқот, коммуникатив, имитацион, психологик, фаолиятли, рефлексив турлари интеграцияси дифференциал ёндашув орқали такомиллаштиришни тақозо этади.

Академик лицейлар тарбия тизими доирасида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қуйидаги турлари аниқланди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари

№	Турлари	Шахсга йўналтирилган таълим технология турларининг мазмун-моҳияти
1.	Тадқиқот	Ушбу технологиянинг характерли хусусияти “кашфиёт орқали ўрганиш” моделининг амалга оширилишидир
2.	Коммуникатив	Ушбу технологиянинг ўзига хос хусусияти ўрганилаётган масалалар буйича турли нуқтаи назарлар билан тавсифланадиган мунозараларнинг мавжудлиги, уларни гаҳқослаш, мунозара орқали ҳақиқий нуқтаи назарни излашдир
3.	Имитацион	Бу технологиянинг характерли хусусияти таълим маконидаги ҳаётий касбий қийинчиликларни моделлаштириш ва уларни ҳал этиш йўлларини излашдир
4.	Психологик	Бу технологиянинг характерли хусусияти-ўқувчининг муайян ўқув фаолиятини амалга ошириш учун ўз-ўзини аниқлашдир
5.	Фаолият	Ушбу технологиянинг ўзига хос хусусияти боланинг келгуси фаолиятини лойиҳалаштириш, унинг предмети бўлиш қобилиятидир
6.	Рефлексив	Бу технологиянинг ўзига хос хусусияти боланинг фаолликдан хабардорлиги: қандай қилиб, қандай натижага эришилганлиги, қандай қийинчиликларга дуч келганлиги, уларни қандай бартараф этилганлиги ва бу ҳақда қандай фикрда эканлиги

Шахсга йўналтирилган ёндашув деганда биз педагогик фаолиятда ўзаро боғлиқ тушунча, ғоя ва ҳаракат усуллари тизимига таяниб боланинг ўз-ўзини билиши, ўз-ўзини ривожлантириши ва шахсни ўз-ўзини намоён этиш жараёнларини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, унинг бетакрор индивидуаллигини ривожлантириш имкониятини берадиган методологик йўналишни тушунамиз.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий тушунчалари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

шахс – доимий ўзгарувчан, индивид хоссаларининг барқарор йиғиндиси сифатида намоён бўладиган ва инсоннинг ижтимоий моҳиятини характерловчи тизимли сифат;

ўзлигини кўрсатишга интилувчи шахс – ўз-ўзини намоён қилишга, ўз имкониятларини тўлиқроқ очишга фаол, онгли равишда интилаётган шахс;

ўз-ўзини ифодаловчи шахс – индивиднинг ўзига хос бўлган сифат ва хусусиятларини ривожлантириш ва намоён қилиш жараёни ва натижаси;

субъект – англандан ижодий фаоллик, билишда ҳамда ўзини ва атрофдаги воқеликни ўзгартиришда эркин индивид ёки гуруҳ;

субъектлик – индивидуал ёки гуруҳ субъектининг индивидуал бўлишга қодирлигини акс эттирадиган ва фаолиятни танлаш ҳамда амалга оширишда фаоллик ва эркинликни эгаллаш даражасида нимоён бўладиган сифат кўрсаткичи.

Демак, хусусий – предмет ва модул даражадаги педагогик технологиялар методика тушунчаси билан деярли тўлиқ қопланади, улар ўртасидаги тафовут фақат акцентларнинг жойлашишида намоён бўлади. Таълим технологияларида кўпроқ процессуал, миқдор ва ҳисоб компонентлари намоён бўлса, методикаларда – мазмун, мақсад, сифат ва вариатив – йўналишли томонлар кўпроқ намоён бўлади. Ўқитиш технологиясининг қиёсий таснифи “Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”³ фанлари дидактик таъминоти анъанавий ва шахсга йўналтирилган таълим технология бўйича қиёсий кўрсаткичлари аниқлаштирилган (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Анъанавий ва шахсга йўналтирилган таълим технологияси бўйича қиёсий кўрсаткичлар

Қиёсий кўрсаткичлар	Анъанавий ўқитиш	Шахсга йўналтирилган таълим технологияси
Мақсади	Мавжуд хусусиятларга эга шахсни тарбиялаш	Шахсий ривожланиш ҳаёт фаолияти субъекти ва маданияти сифатида
БББ роли	Ўқитиш мақсади	Ривожланиш воситалари
Ўқувчи ҳолати	Ўқитиш жараёни объекти	Ўқув жараёнининг предмети
Асосий дидактик воситалар	Монолог, билим, кўникма, малақалар	Диалог, полилог, ҳамкорлик, ижодий ўқув-билув фаолияти
Аксиологик асос	Жамият ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи	Шахснинг эҳтиёжлари ва манфаатлари
Ўқитувчининг ўрни	Билим манбаи ва назоратчиси	Координатор, Маслаҳатчи, Ёрдამчи, Ташкилотчи (Бошқарувчи)
Асосий натижалар	Ўқитиш ва ижтимоийлашув даражаси	Шахсий ривожланиш даражаси, ўқув ўз-ўзини фаоллиги, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини таъкил этиш

Хусусан, тарбиявий педагогик технология – деганда ҳозирги замон олимлари «ўқитувчининг болани қамраб олган дунё билан ўзаро ҳамкорлиги контекстида, шахснинг ўзлигини намоён қилиш эркинлиги билан ижтимоий – маданий хусусиятларини уйғунлаштирган, бу дунёга муносабатни шакллантириш мақсадида операцион таъсирнинг илмий асосланган танловидан иборат педагогик маҳорат компоненти» деб таъкидлашга асос бўлади.

Диссертациянинг «Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини тақомиллаштириш мазмуни» деб номланган иккинчи бобида шахсга йўналтирилган таълим технологияларини

³ 2019-2020, 2020-2021 ўқув йилларида академик лицейларда “Адабиёт”, “Маънавият асослари” ва “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанлар ўқитилган.

такомиллаштиришда ўқув лойиҳалардан фойдаланиш, академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари компонентлари, уларни лойиҳалаштириш хусусиятлари, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари механизмини тадбиқ этиш йўллари ёритиб берилган.


Шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштиришда ўқув лойиҳаси, мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули, назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситасини ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик воситалар ёритиб берилган.

Жумладан, ўқув лойиҳаси тарбия жараёнини ташкил қилишнинг универсал методи сифатида қаралади. Лойиҳалаштириш ижтимоий тизимларни билиш ва ташкил этиш методлари сирасига киритилади. Лойиҳалаштириш объект билан билвосита амалий ёки назарий операциялаш методини тушунишни таклиф қилади, бунда қизиқтирадиган объектнинг ўзи тадқиқ қилинмай, ўрганилаётган объект билан маълум объектив мувофиқликка эга бўлган, уни билишнинг маълум босқичларида алмаштира оладиган ва тадқиқ қилиш давомида моделлаштирилаётган объект ҳақида ахборот берадиган ёрдамчи сунъий ёки табиий тизимдан фойдаланиш зарурлиги таҳидлаб ўтилган. Таълим-тарбия тизими педагогик тизим сифатида қатор белгилар ёрдамида яхлит ҳодиса деб тавсифланиши мумкин: интегратив сифатлар (унинг элементларидан ҳеч бири эга бўлмаган); таркибий элементлар, компонентлар; структура (қисмлар ва элементлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар); функционал характеристикалар; коммуникатив хоссалар (атроф-муҳит билан алоқалар); тарихийлик, ворислик сифатларига тўхталиб ўтилган.

Таълим-тарбия тизимининг биринчи – гуруҳ компоненти таълим муассасасининг таълим-тарбия тизимини яратиш, бошқариш ва ривожлантиришда қатнашадиган болалар ва катталарнинг ҳамжамияти умумийлиги. Таълим-тарбия тизимининг иккинчи – кадриятли-ориентацияли компоненти қуйидаги элементлардан иборат: болалар ва катталар ҳамжамияти кадриятлари; таълим-тарбия мақсадлари ва ўқувчилар умумийлиги ҳаётий фаолият истикболлари; таълим муассасаси таълим-тарбия тизими ва ҳаётий фаолиятини қуриш тамойиллари ҳамда таянч ғоялар ёритиб берилган. Таълим-тарбия тизимининг учинчи – функционал-фаолиятли компоненти: фаолиятнинг система ҳосил қиладиган тури, ҳамкорликдаги фаолият ва мулоқотни ташкил қилиш шакллари ва методлари; таълим-тарбия тизимининг асосий функциялари; таълим-тарбия тизимини бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш каби элементлардан иборатлиги аниқланган. Таълим-тарбия тизимининг тўртинчи – ташхис-натижали компоненти: таълим-тарбия тизимининг самарадорлиги мезон ва кўрсаткичлари; таълим-тарбия тизими фаолиятини ўрганиш, таҳлил ва баҳолаш шакллари, методлари ва усуллари. Таълим-тарбия тизимининг бешинчи – муносабат-коммуникатив компоненти қуйидаги иккита элементдан таркиб топган: болалар ва катталар ҳамжамиятидаги муносабатлар; таълим-тарбия тизимининг ички ва ташқи алоқалари ёритиб берилган.

Академик лицейларда шахсга йўналтирилган тизимли модел таълим технологиялари ҳамкорликда ўқитиш, гуруҳда мунозара, ўқув лойиҳалари,

тренинг, дебат, ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар каби инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштирилган (1-расмга қаранг):




1-расм. Академик лицейларда шахсга йўналтирилган тизимли модели

Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш моделининг мазмун-моҳияти ўқув, дарсдан ташқари мустақил ишлар, муассасанинг ижтимоий ҳаёт тарзини шакллантириш, ўқувчиларда жамоатчилик назорати тизимини йўлга қўйишда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантириш функционал фаолиятли ёндашув, амалий йўналтирилган инновацион интерфаол ўқитиш метод ва технологияларини қўллаш билан боғлиқ.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари инсоннинг миллий маданий анъаналарни ўзлаштириш ва оламга бўлган муносабатни моделлаштириш интеграцияси дифференциал ёндашувлар асосида такомиллаштирилган.

Жумладан, академик лицей ўқувчиларида ўқув-тарбия жараёнида билим ва кўникма ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки тадқиқот доирасида биз шахсга йўналтирилган таълим технологиялари механизми таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ” фанлари орқали ўқувчиларнинг жамоавий фаоллиги, ташаббускорлиги, талабчанлиги, ўз фикрини мустақил билдира олиши каби қарашлари билан бирга, психологик сифатлари, ўқув дарслари жараёнида интерфаол методлар ва педагогик технологияларнинг тўғри танлангани, ўқувчи шахсида кучли мотивациянинг шакллангани билан чамбарчас боғлиқ (2-расмга қаранг):



2-расм. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари механизми

Диссертациянинг “Академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш самарадорлиги” номи учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили келтирилган.

Тадқиқот ишининг натижалари унинг самарадорлик даражаси билан белгиланади. Шунга кўра, академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларининг қай даражада ортанглигини текшириш асосида аниқланди. Бунинг учун таъкидловчи эксперимент давомиди ўқувчиларнинг дастлабки билими, кўникма ва малакаларини аниқланди, шакллантирувчи тажриба-синов жараёнида таълим ва тарбия бирлиги, билимларнинг қай даражада чуқур ва мустақкам эканлиги, кўникма ва малакаларининг такомиллашиб боргани, хотира ва тафаккурининг ривожланаётгани, таълим-тарбия асосида маънавий-ахлоқий, ҳиссий-иродавий ҳислатларининг мустақкамлигини аниқлашга ёрдам берди.

Педагогик тажриба-синов ишлари Жиззах давлат педагогика институти қошидаги “Сайилжой” академик лицейи, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейларда ташкил этилди. Объектив шарт-шароитларда сўровнома ва анкета саволларига жавоб олиш учун тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича жами 707 нафар ўқувчилар жалб этилди (4-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Педагогик тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар сони

№	Академик лицейлар	Босқичлар	2019-2020 ўқув йили		2020-2021 ўқув йили		Жами	
			ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
1.	ЖизДПИ	1-босқич	20	22	24	26	44	48
		2-босқич	18	18	22	24	40	42
2.	ТДПУ	1-босқич	25	24	24	26	49	50
		2-босқич	24	26	24	20	48	46
3.	ТПТИ	1-босқич	26	22	18	20	44	42
		2-босқич	24	24	22	18	46	42
4.	ҚарМИИ	1-босқич	18	20	20	20	38	40
		2-босқич	22	20	22	24	44	44
	Жами		177	176	176	178	353	354


Педагогик тажриба-синов ишларида экспериментал танлама миқдори аниқланди (3-расмга қаранг):

Респондент ўқувчиларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини ривожлантиришга қаратилган жараён самарадорлигини бир неча даражалар бўйича баҳолаш квалиметрик ҳиҳатдан тўғри деб топилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари “қуйи”, “урта”, “юқори” даражалар бўйича баҳоланди. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарадорлигини аниқлаш ўқувчиларга ўз фаолияти натижасини танқидий баҳолаш имкониятини ҳам беради. Шунингдек, ўқувчиларнинг ҳулқидаги хато ва камчиликларни аниқлаш натижасида уларнинг сабабларини бартараф этиш йўллари ҳам маълум бўлди

Бу борада қуйидаги йўналишларни белгиллаб, уларга риоя этиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Ўқувчиларнинг билими ва уларда тарбия ҳамда технология тушунчалари, тарбияда умуминсоний қадриятларни ривожлантириш академик лицей педагогик фаолиятида маълум бир тизим асосида амалга оширилиши;

тажриба-синов ишларининг ўқувчилар билимларини аниқлашда салбий таъсир этмасдан қизиқарли ва фойдали бўлиши;



3-расм. Педагогик тажриба-синов ишларида экспериментал танлама миқдори

гуруҳларда олиб борилган тажриба-синов ишлари индивидуал текширув ишлари билан мувофиқлаштирилиши;

тажриба-синов ишлари ҳаққоний ва илғор инноватсион таълим методлари асосида олиб борилиши;


тажриба-синов жараёнида талабчанлик, гашаббускорлик билан бирга ўқувчиларнинг қизиқишларига жиддий эътибор бериш, интилишлари ва идеалларини ҳисобга олиш зарур.

Академик лицейнинг “Аниқ фанлар”, “Хорижий тиллар” ва “Ижтимоий-гуманитар фанлар” таълим йўналиши “Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанларида таълим технологияларининг лойиҳалаштириш имконияти мавжудлиги, тарбиявий таъсирчанлигини аниқлашда, бутун тизим ва унинг таркибий қисмларини бошқаришда баҳолашда ўз ичига оладиган мураккаб тузилмага эга. Шу жиҳатдан шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш самарадорлигининг моҳияти ўқувчиларда маънавий қадриятларни ривожлантириш, ахлоқий, жисмоний ва касбий сифатлар жамулжамлигини намоён этиб, мамлакатнинг қудратини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий мақсадларни тўла амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг “Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ

асослари” фанлари таълимининг яхлит ва таркибий қисмлари самарадорлигини баҳолаш аниқ сифат ва миқдорий кўрсаткичлар – таълим-тарбиявий жараённинг самарадорлик мезонлари асосида амалга оширилади. Академик лицей ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг аналитик, ташкилий, фаолиятга доир, натижавийлик босқичлари асосланган ўқув (таҳлил этиш, таққослаш) лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган.

Мазкур тадқиқотда тажриба-синов ишлари маълум лойиҳалаштирилган дастур асосида ишлаб чиқилган методикада олиб борилди. Тажриба-синов ишларида анъанавий методлар билан бирга илғор педагогик технологиялардан ҳам фойдаланилди. Шунингдек, таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида тест синовлари, ёзма ишлар, махсус тузилган саволномаларга ёзма жавоблар олинди. Натижалар математик-статистик таҳлил этилди. Таҳлиллар тадқиқот ишида қўлланилган методиканинг тўғрилигини исботлади (4-расмга қаранг):



4-расм. Тажриба сўнггида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари тизимли моделини ўқувчилар ўзлаштиришининг самарадорлик кўрсаткичлари

Тажриба-синов ишлари гистограмма, диаграммалар ва жадвал маълумотларидан кўринадики, тажриба синов якунида ўтказилган анкета саволларига жавоб беришда тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларда фарқ мавжуд бўлиб, статистик мезонининг тўғри қабул қилиниши, ишонч оралигининг бир-бири билан устма-уст тушмаслиги самарадорлик мавжудлигини кўрсатиб, таъкидловчи тажриба даврида тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида қайд этилган миқдор кўрсаткичлар асосида шахсга йўналтирилган таълим технологияларини ўқув жараёнида қўллашнинг ривожланиш даражаси бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинганда сифат кўрсаткичи 1,16 баробар ошгани аниқланди. Ушбу кўрсаткич тадқиқотимизнинг самарали ташкил этилганлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Академик лицейларда “Адабиёт”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанларини ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш ўқувчиларга бериладиган билимларни чуқур ва мустақкам эгаллаб олганлиги, уларнинг дунёқараши шаклланганлик даражаси, тарбиявий имкониятларга эга бўлишига асосланган.

2. Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг коммуникатив, имитацион, психологик, функционал-фаолиятли, рефлексив компонентлари дифференциал ёндашувлар орқали аниқлаштирилган.

3. Академик лицей ўқувчиларини ҳар томонлама ривожлантиришда ижтимоийлашган ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга қодир маданий ижод жараёни тарбиявий концептуал асослар уйғунлигини таъминлаш асосида ривожлантирилган.

4. Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълимни моделлаштириш технологиялари ҳамкорликда ўқитиш, гуруҳда мунозара қилиш, ўқув лойиҳаларини амалиётга жорий этиш, тренинг, дебат, ролли ўйинлар инновацион таълим технологиялари воситасида такомиллаштирилган.

5. Педагогик фаолиятга йўналтирилган таълим технологиялари нуқтаи назаридан воситали, амалий ва мустақил изланишга доир шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг методик шарт-шароитлар аниқланган.

6. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштиришда педагогик фаолиятнинг хусусиятлари, таълим соҳасидаги ижтимоий дунёқараш, педагогик фаолият ўртасида воситачи ва боғловчи бўлиб хизмат қиладиган билиш-ҳаракатли тизим меъёрларини белгилашда хулқ-атвор модели компонентлари аниқланган.

7. Академик лицейларда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш бўйича ушбу тадқиқот иши юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги 1,16 баробарни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НАЗАРОВА ФАРИДА АБДУРАХИМОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №В2020.1.PhD/Ped1644.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском(резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.tdpu.uz) и Информационно-ресурсном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хакимова Мухаббат Фаилевна
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится 18 » сентября 2021 года в 9:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес:100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за номером 1430).

Автореферат диссертации разослан « 7 » сентября 2021 года

(Протокол реестра рассылки № 15 от « 7 » сентября 2021 года)



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В образовательных учреждениях мира в образовательный процесс внедрены личностно-ориентированные технологии креативного обучения. В программе, принятой на Международном образовательном форуме в Южной Корее «Incheon declaration»⁴ до 2030 года, признано: «Усовершенствование процесса и инструментов оценки качества образования, внедрение позволяющих определять достигнутые результаты механизмов». Также, ведутся системные работы по интеграции достижений науки в учебный процесс, реализации крупных проектов в образовательных и научных учреждениях.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся исследования по диверсификацию учебной деятельности студентов, определению основных составляющих личностно-ориентированного подхода в воспитательно-образовательном процессе, повышению эффективности современного образовательного процесса через призму воспитательной системы анализа образовательной эффективности. Вместе с этим, уделяется особое внимание исследованиям по совершенствованию, разработке и взаимодетерминацию личностно-ориентированных воспитательных технологий в системе образования.

В нашей республике создана нормативно-правовая база для учеников академических лицеев, по обладанию самостоятельного мышления, гражданскую позицию, развитию в качестве личность, с осознанным отношением к социальной действительности, правовым мышлением и воображением. В данном контексте установлена в качестве приоритетной задачей: «улучшению качества образования и обеспечению прочной интеграции современных информационно-коммуникационных и образовательных технологий в академических лицеях, повышению грамотности учеников в области информационных технологий, закреплению их за квалифицированными специалистами, достигшими высоких результатов в соответствующей области, на основе системы «наставник — ученик»⁵. В результате, созданы возможности повышению эффективности организации, системы управления образовательной деятельности, впечатлительных действий используемых воспитательно-образовательных методов в академических лицеях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года «Об образовании», Указах Президента Республики Узбекистан 6 сентября 2019 года №УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», от 7 февраля 2017

⁴ Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). – 48 p.

⁵ Узбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4910-сон Қарори 2020 йил 3 декабрь.

года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 3 декабря 2020 года №ПП-4910 «О мерах по совершенствованию системы отбора талантливой молодежи и деятельности академических лицеев», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 августа 2020 года №466 «Об утверждении нормативных правовых актов, регулирующих систему непрерывного начального, среднего и среднего специального профессионального образования в Республике Узбекистан», от 29 марта 2021 года №163 «О мерах по организации дуального образования в системе профессионального образования», от 3 июня 2021 года №345 «О мерах по определению рейтинга общеобразовательных учреждений среднего и среднего специального образования», а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В республике философские, социально-антропологические вопросы духовно-культурного становления учащейся молодежи исследовались Ж.Базарбаевым, А.Бегматовым, М.Каххаровой, А.Мавруловым, Ж.Туленовым, Г.Туленовой, Э.Юсуповым, О.Гайбуллаевым; лично-ориентированные образовательные технологии Б.С.Абдуллаевой, Н.Азизходжаевой, Н.С.Саидахмедова, Н.Н.Индиаминова, Р.Ишмухамедова, Р.Мавлановой.

В странах СНГ технологический подход, понятие педагогической технологии исследовались Н.Е.Эргановой, Н.В.Матяшым, М.Н.Гусловой, Ю.В.Атемаскиным, Л.Г.Богословцем, Д.А.Белуксиной, А.А.Факторовичем, Д.В.Чернилевским; лично-ориентированные образовательные технологии В.В.Давыдова, А.А.Плигина, И.М.Максименко, И.С.Якиманской.

Проблемы лично-ориентированного образования раскрыты в научных работах W.Dalton, Besh Ivan, Bezugla Marina, Nash Robert J., Roof, Wade Clark, V.Lappo, V.Dal, V.Frankl.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено согласно плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета в рамках проекта №ИТД-4-122 «Разработка образовательной технологии формирования личности, с высокой духовностью» (2009-2011 гг.), проекта №ОТ-Ф1-36 с названием «Совершенствование механизмов диагностики морального состояния студентов» (2017-2020 гг.)

Цель исследования заключается в разработке рекомендаций по совершенствованию лично-ориентированных технологий обучения в академических лицеях.

Задачи исследования:

усовершенствование интеграции личностно-ориентированных технологий обучения с путем дифференцированных подходов;

усовершенствование сравнительной классификации технологии обучения в академических лицеях;

усовершенствование системной модели личностно-ориентированных образовательных технологий у учеников академических лицеев;

усовершенствование этапов внедрения личностно-ориентированных образовательных технологий в образовательный процесс.

Объектом исследования выбран процесс усовершенствования личностно-ориентированных образовательных технологий в академических лицеях, к экспериментальной работе привлечены 707 студентов академических лицеев при Джизакского государственного педагогического института «Сайилджой», Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами, Ташкентского педиатрического медицинского института, Каршинского инженерно-экономического института.

